

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 1 сон**

**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори М.Х.Эсанов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Б.Уринов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. Ў.Розиқов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Низматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибоев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. А.Баташов.

**Техника фанлари:** т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари** – з.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари** – акад. Н.Каримов, акад. Т.Мирзаев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев.

**География фанлари** - з.ф.д., доц. Б.Камалов, з.ф.д., проф.А.Низматов.

**Педагогика фанлари:** п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., проф., Л.Муминова, п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев.

**Тиббиёт фанлари** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** Б.Ашуров, Н.Юсупов, Ф.Асқаров.

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наизрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади. НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 01.10.2020 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (Баённома № 1). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

|    |                                                                                                                                                 |     |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 47 | Чет тилларни ўқитишда ўзаро ҳамкорлик технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари<br>Абдуллаева М.Н.....                                        | 309 |
| 48 | Инновация-ҳозирги замонавий таълим муассасаси ўқитувчисининг педагогик тафаккурини ривожлантириш воситаси сифатида<br>Абдурасулов Ф.П.....      | 316 |
| 49 | Таълим тизимида касбий компетентлик тушунчасининг таҳлили<br>Сирождидинова И.М.....                                                             | 321 |
| 50 | Алишер Навоий шахсини ўрганишда тарихий, илмий, бадиий асарлардан фойдаланиш<br>Абдуллаев К.....                                                | 329 |
| 51 | Талабаларда саломатлик маданиятини шакллантиришнинг айрим педагогик жиҳатлари<br>Джураев Э.М, Акзамов С.Д.....                                  | 334 |
| 52 | Жисмоний маданият ўқитувчиси касбий тайёргарлиги жараёнининг айрим замонавий педагогик хусусиятлари<br>Исломов И.А, Парпиев О.А.....            | 339 |
| 53 | Boshlang'ich ta'limga integratsiyalashgan texnologiyadan foydalanish yo'llari<br>Abdullayeva N.M.....                                           | 345 |
| 54 | Маҳкум шахсни ижтимоий меҳнат билан тарбиялаш давр талаби: ижтимоий тажриба<br>Тураханова Д.А.....                                              | 352 |
| 55 | Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisi kasbiy kompetentligining asosiy tarkibiy komponentlari<br>Umurzaqova M.M.....                                  | 358 |
| 56 | Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникацион тайёргарлигини компьютерли лойиҳалаш воситасида такомиллаштириш<br>Хакимов Ж.О..... | 364 |
| 57 | Компетенциявий ёндашув - мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал ривожлантириш омили сифатида<br>Далибаева Ш.Т.....                            | 371 |
| 58 | Таълим самарадорлигини оширишда инновацион таълим технологияларини қўллаш замон талаби сифатида<br>Пўлатова Н.М.....                            | 376 |
| 59 | Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва шеърятини интерфаол усуллар орқали ўрганиш<br>Сайдахмедова Н.С.....                                                      | 382 |
| 60 | Методические основы формирования умений и навыков при обучении профессиональному английскому языку<br>Исроилова Д.М.....                        | 387 |

шакллантириш, бундан ўқув (педагогик) инновациялар – талаба ва ўқитувчи ўртасида инновацион тафаккурни ва инновацион маданиятни шакллантириш учун янги амалий воситани яратиш, тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг мураккаб мажмуавий жараёни эканлигини англатади.

Шундай қилиб, инновацион фаолиятта педагогик тайёрлик: ўқитувчининг шахсан ва касбий ривожланиши, ўз ички “Мен”и билан ишлаш, талабанинг ўзига хос индивидуаллиги, бетакрорлигига педагогик ишонч, уларга ривожланиш учун ёрдам бериш истаги орқали таъминланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. - Т.: “Sano-Standart” нашриёти, 2015. - 81-б.
2. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари / Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. -Т.: ТДПУ, 2004.
3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. - 38-42-б.
4. Нажмиддинова Ё., Дадамирзаев М. ГЛОБАЛЬНЫЕ ОРИЕНТИРЫ В ОБРАЗОВАНИИ //Теория и практика современной науки. – 2016. – №. 3. – С. 329-334.

### **ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Сирожиддинова Ирода Махаммадовна

Андижон машинасозлик институти Катта ўқитувчиси

*Аннотация: мақолада таълим тизими доирасида бўлажак педагог мутахассис компетентлигининг шаклланиш масаласини ислоҳ қилиш жараёнини таҳлими амалия оширилган, унда мутахассис тайёргарлигидаги билим, маҳорат ва малака қобилиятлари шунинг жумласидандир.*

*Таянч сўзлар: таълим тизими, ижтимоий фаолият, педагогика, психология, компетенция.*

Мамлакатимизда охириги ўн йилликда амалга оширилаётган туб ислохотлар, нафақат жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги ўзгаришларга, балки ижтимоий маданий соҳаларда ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

Бироқ бу ўзгаришлар етарли даражада самарали амалга оширилмаган, шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури бўйича, ҳозирги кундаги таълим тизимининг тузилиши тўлақонли шахс эҳтиёжи,

жамият талаби ва меҳнат бозори стандартларига мос келмайди. Биринчи навбатда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим деб ўйлаймиз: ➤ таълим тизимини замонавийлаштиришни ва қонуний жиҳатдан таъминлаш; ➤ мутахассисларнинг касбий тайёргарлик таркиби ва тузилишини ҳозирги кундаги замонавий, давр талабига мос келадиган шахс эҳтиёжи, жамият ва меҳнат бозори талабларини қондира оладиган ҳолатда такомиллаштириш;

➤ сифатли таълим жараёни билан таъминлаш;

➤ таълим сифатини назорат қилувчи мустақил тизимлар сонини кўпайтириш.

Таълимнинг ривожланиши Ватанимиздаги тубдан амалага оширилаётган ислохатлар натижаси таъсирида содир бўлмоқда, яъни фуқоролар жамиятининг шаклланиши оқибатида, иқтисодий бозор секторларини кенгайтириш, регионлаштириш жараёни муносабати, иш билан бандлик соҳасидаги ўзгаришлар, ишчи кучига талаб ошганлиги сабаблидир.

Биз юқорида келтирган фикрлар асосида, олий таълим тизими доирасида бўлажак педагог мутахассис компетентлигининг шаклланиш масаласини ислоҳ қилиш жараёнини таҳлили қиламиз, унда мутахассис тайёргарлигидаги билим, маҳорат ва малака қобилиятлари ўрганилиши лозим деб ўйлаймиз. Шу сабабдан, биз мазкур касбий компетенцияни олий таълим тизимидаги шаклга мослаштиришни таклиф этамиз.

В.Н.Введенский педагогнинг учта касбий компетенция босқичини ажратади:

➤ *умумий* – асосий ва тезликта оид компетенция;

➤ *шахсий* – аниқ соҳа компетентлиги;

➤ *аниқ(лик)* – алоҳида педагогнинг компетентлиги.

Яна у касбий компетенциянинг тузилиши ва таркибига қараб учта ёндашув турини ажратади: профессиографик, босқичли ва вазифали. Ҳар бирининг ўзига яраша хусусияти мавжуд. [1, 53 б.].

Мазкур ёндошувдан фойдаланиш орқали, муаллиф коммуникатив, информатсион, регулятив ва интеллектуал-педагогик компетентликларни ажратади ва охириги кўрсатилган компетентлик тури қолганлари учун асос сифатида кўрсатилади.

Педагогнинг *коммуникатив компетентлиги* – касбий аҳамиятга эга, интегратив жиҳатларини ўзида мужассам этиб, эҳтиросларони жиловлаш (мослаштиш маъносида); экстраверсия (мазмун босқич тушунча билан очилдиган тушунча ва самарали етакчилик); тўғри ва қарама-қарши алоқани ўрната оладиган қобилият; нотиклик маҳорати; эшга билиш маҳорати; тақдирлаш маҳорати; ҳушмомилалик, мулоқотни “силлиқ” қилиш маҳорати.

*Информатсион компетентлик* ўз ҳақида, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва бошқа педагогларнинг иш малакаси тўғрисида маълумотларни (билим) ўз ичига олади.

*Регулятив компетентлик* педагогни ўзини бошқара олиш маҳоратини белгилаб беради. У ўз ичига қуйидагиларни олади: мақсадни белгилаш, режалаштириш, чаққонлик ва қатъий фаолликни, фаолият натижасини баҳолаш, рефлексия.

*Интеллектуал-педагогик компетентликни* муаллиф таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, аниқлаштириш маҳоратлари мажмуи сифатида кўради ва интелект сифатида: аналогия (ўхшашлик), фантазия, эгилувчанлик ва танқидий фикрлаш [1, 54 б.].

Шундай қилиб, биз педагогнинг касбий компетентлиги тузилиши тўғрисида учта қарашни кўриб чиқдик. Энди биз ишимизнинг давомида Таълим тизимида касбий компетентликни тузилиши ҳақидаги фикрларни кўриб чиқамиз.

Т.М.Сорокинанинг шарҳида педагогик йўналишлардаги таълим тизимида касбий компетенцияни қуйидагича чизмада ифода этган.

**Таълим тизимида ўқитувчининг касбий компетенциясининг тузилиши**

*Чизма 1*



Уни ўзига хос жиҳати “шахсга йўналтирилганлиги” дадир. Ўқитувчини педагог сифатида шахсга йўнатирилганлиги, ўқувчида ўқишни, атроф муҳитни билишини, инсонларга ва ўзини англашди мақсад қилишга сабаб бўлади. Уни бола ҳақида қайғуриш, унга бўлган қизиқиш, муҳаббат, шахс сифатида ривожланишига кўмаклашишини ва максимал даражада унинг индивидуал фаоллаштиришини тахмин қилади.

Бундай хусусиятдаги йўналтирилганлик замонавий мактаб ўқитувчисига қуйидаги жиҳатларда ифода этилади:

✚ гуманистик педагогик дунёқарашдаги ўзига хос хусусиятлар, бундай ўқитувчиларга ёш мактаб ўқувчиларининг “педагогик муҳит”ини яратиш, бу тизимда уларни бошқариш ва амалга ошириш. Бундай тизим ўз ичига қуйидагиларни олади: болалар гуруҳи ва ўқитувчининг ўзаро алоқасининг ўзига хос хусусиятлари; отаоналар гуруҳи билан суҳбат ташкиллаштириш ва ўзини касбий маҳоратини шакиллантириш.

✚ касбий интегратив тизимдаги билим ва кўникма, ўқитувчининг мукамал педагогик фикрлаши орқали амалга оширилади. Ўқитувчининг интегратив билим тизимдаги негизи бу психологик билимлардир.

Чизма 2

|                       |   |                                                        |                                                            |
|-----------------------|---|--------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|
| Дидактика             | → | Умумий психология,<br>ёшга оид, педагогик,<br>ижтимоий | Интегратив<br>психологопедагогик<br>билимлар               |
| Тарбиялаш назарияси   | → |                                                        |                                                            |
| Методик соҳалар       | → |                                                        | Интегратив<br>психологометодик билимлар                    |
| Фанлараро тайёргарлик | → |                                                        | Фанлараро тайёргарликни<br>касбий фаолиятга<br>мослаштириш |

✚ ўзига хос хусусиятга эга бўлган шахсга йўналтирилганли, мактаб ўқитувчисининг асосий касбий компетентлигининг тузилишидир, жумладан у ташҳис ва бошқариш фаолиятларида намоён бўлади.

Касбий компетенциянинг бундай кўриниши Татьяна Михайловнанинг фикрига кўра қуйидаги касбий ҳаракатларни ўз ичига олади:

- таҳлилий, ўқитувчига ўқув фаолиятини тузилиши орқали кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқиш жараёнида уларнинг ташҳис орқали ривожланиш хусусиятларни аниқлашга кўмак беради;
- лойиҳалаштириш, у ёрдамида ўқитувчи-педагог ўқувчиларнинг ривожланиши учун мавжуд вариантлар ишлаб чиқариш имкониятини беради, албатта ўқитувчи ва ота-оналар кўмагида;
- илмий башорат қилиш, ўқитувчига болаларни ўқиш жараёнида ривожланиши учун истиқболли дастурларни тузиш имкониятларини яратади, яна ўзлигини мукамаллаштириш дастурлари ҳам шунинг жумласидандир.

Шундай қилиб, ўқитувчининг “касбий компетенция” категорияси Т.М.Сарокина томонидан умумлаштиручи тушунча сифатида кўрилган, яъни ўқитувчи шахсини ўзига хос педагог-тарбиячи ва болалар психологи сифатида аниқлаштиради. Унинг асосида педагогнинг педагогик имкониятларини англаш концепти, болалар гуруҳининг хусусиятлари, уни ривожланиш истиқболининг ўзига хослиги (оммавий жиҳатларнинг долзарблиги ва ота-оналар гуруҳларининг хусусиятлари в.б.) ётади. Бундай концептуал англаш касбий эгилуванликни педагогда, педагогик технологияларни танлашни (кўчириш эмас!), методик, асосий мақсадни самарали амалга ошириш имконини берувчи – мактаб ўқувчисини ижобий шахс сифатида ривожланиш муҳитини яратади [8, с. 53-55].

Изланишларимизда касбий компетентлик тушунчаси динамик кўринишда изоҳланади, уни касбий тайёргарлик жараёни, касбий ўсиш жиҳатлари, касбдаги ўзгаришлар, сабабий оқибатлар ва фаолиятдаги в.б., у бўлажак ўқитувчида малакавий ўсишни касбий компетенцияда кўради. Айни шу вақтни ўзида “компетентлик” тушунчаси, бизнинг наздимизда кўпроқ ёши катта ўқитувчининг касбий фаолиятини аниқлаштиради. Ундан ташқари, “касбий компетенция” тушунчаси, ўзига хос хусусиятни олиб киради – бу бўлажак педагогдаги шахсий ва касбий жиҳатларини интегратив касбий имкониятларини ўсишини таъминлайди.

Татьяна Михайловнанинг фикрига кўра, бошланғич таълим мактаб ўқитувчисининг касбий компетентлиги ўзига хос – кўп ва фанларародир. Мазкур касбий тайёргарлик концепциясининг маркази сифатида тубдан уни ўрнини ва психологик тайёргарлик тузилишини ўзгартиришдир, яъни у таълим аспектларини бир бирига сингдириш, умумлаштириш ва шу орқали талабада касбий аҳмият эга муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Таълим тизимида касбий компетентликининг тузилиши ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. сабабият қисми, талабада аста секинлик билан ўқув-касбий фаолиятини ўзига хос йўналишда ривожлантиради, яъни мактаб ёшдаги болаларни шахсини умумий ривожлантиришга асосланган;
2. касбий фаолият қисми, ўқув-касбий ҳаракатни таркибий тизими.

Охириги келтирилган қисм талабалар томонидан эгаллаш тахмин қилинган:

а) махсус таҳлилий кўникмалар, педагогик вазиятни кўп қисмли янгиланувчи педагогик реаллик сифатида баҳо беришга ва идрок этишга имконият беради;

б) ўзига хос касбий-ташҳис ҳаракатлари, ўқув фанининг (математика, табиий фанлар в.б.) тузилиш қисмини бўлажак педагог сифатида ўрганиб чиқиб, мактаб ёшидаги болаларни руҳиятини ўрганиш натижасида, йиғилган маълумотларним таҳлил қилиб унга ташҳис чиқариб, мос келадиган ҳолда ўзгартириш имконини беради. Талабаларда бундай фаолият турини эгаллаши келажакда бошланғич таълимини ривожлантиришга олиб келади;

в) лойиҳалаштириш ҳаракатининг асоси, бундай ҳаракатнинг мақсади мукамал ҳар томонлама шакилланган тизим яратиш, унда мактаб ўқувчиларининг фаолиятини ташкиллаштириш асосий мақсад ҳисобланади, Т.М.Сорокина таъбири билан айтганда педагогик муҳитни яратади. Мазкур тизим ўзида ўзаро мулоқот вақтида, мактаб ёшдагиларни ўзига хос ривожланишини қамраб олади: ўқитувчи билан (ўқув тузилиши ва ундан ташқарисида), ўз тенгдоши билан (таълим олиш жараёнида), ота-оналар билан.

Илмий башорат қилиш педагогик муҳитдаги тизимда, талабаларда моделлаштириш усуллари эгаллашга кўмак беради, бу ўз навбатида шу усуллар орқали мактаб ёшдаги болаларни ўқиш давомида ривожлантиришга олиб келади ва руҳий баркамоллигини шакиллантиради (дидактик тизимда).

Т.М.Сорокинанинг бундай ёндошиши, бўлажак педагогнинг касбий компетентлиги тузилишининг асосини изланишлар орқали ўзига хос хусусиятлар билан аниқлаган, яъни касбий фаолият самарадорлиги асосида. Шундай йўл билан педагогнинг касбий компетентлигини мукаммаллаштириш ва ривожлантириш, касбий шаклланишининг бир умумий чизигда узлуксизлигини амалга ошириш имконини беради [9, 111-112 б.].

Шундай қилиб, биз Т.М.Сорокинанинг таълимдаги касбий компетентлиги тузилишини кўриб чиқдик. Албатта, бу етарли даражада қарама-қаршиликларни келтиради ва кўпроқ психологик аспектлардаги қарашларнинг касбий лаёкатига йўналтирилган.

“Компетентлик” тушунчаси аксари муаллифларнинг фикрига кўра, шахснинг сифат ва хусусиятларининг моҳияти, яъни фаолият ва бошқа ҳолларда керак бўладиган билим, маҳорат ва кўникма деган ҳулосага олиб келди.

Бироқ, “компетенция” тушунчаси тўғрисида баъзи муаллифлар ўзларининг ишларида умуман тўхталишмаган ёки тўхталгани ҳам уни “компетентлик” тушунчасининг ўхшаши деб ёзиб кетган, у ҳақида тўхталган муаллифлар бўлса, яъни бу тушунчани алоҳида мустақил маънога эга фикр келтирганлар, компетентлик, компетенцияга эга бўлиш орқали шакилланади деганлар ҳам бор.

Шундай қилиб, бу фикрлар орқали бир бирига зид қуйидаги зиддиятлар пайдо бўлади – агар шахснинг сифат ва хусусияларини “компетентлик” тушунчасига талукли десак, унда “компетенция” тушунчасининг тузилиши аниқ бўлмай қолади.

Лекин ўрганилган адабиётлардан, биз ўзимиз учун “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари тўғрисида қуйидагиларни аниқлаштириб олдик:

*Компетенция – бу бўлажак ўқитувчида касбий фаолияти давомида туғиладиган вазиятларда (ностандарт вазиятлар ҳам шунинг жумласидандир) тайёргарлигини ифода этадиган билим, маҳорат, кўникмаларнинг фаолиятида қўллай олиш усулининг моҳиятидир.*

Компетентлик – бу фаолиятнинг у ёки бу соҳасида, умумман мутахассиснинг юқори малакалилигини таъкил этувчи тизимда шаклланган компетенция моҳиятидир.

Тадиқотимиз давомида бўлажак мутахассисларнинг “компетенция” тушунчаси тўғрисидаги фикри қандай эканлиги бизни қизиқтириб қолди. Шу мақсадда биз 1-сўровномани ўтказишга қарор қилдик. Сўровнома таҳлили жараёнида биз “компетенция” тушунчаси тўғрисидаги фикрларни саккизта гуруҳини аниқладик ва улар қуйидагилар:

1. билимлар моҳияти,
2. маҳорат моҳияти,
3. билим ва маҳорат моҳияти,
4. билим, маҳорат, кўникмани қўллаш олиш,
5. шахс сифатида,
6. шахсий сифатлар моҳияти кўринишида,
7. бошқалар, умумман тўғри келмайдиган фикрлар
8. умумман фикр билдира олмаганлар

Жадвал 1

Талабалар томонидан “компетенция” тушунчасига аниқлик киритиш

| Аниқлаштириш гуруҳи / талабалар гуруҳи                 | А гуруҳи талабалари | Б гуруҳи талабалари | Барча талабалар |
|--------------------------------------------------------|---------------------|---------------------|-----------------|
| 1. билимлар моҳияти асосида                            |                     |                     |                 |
| 2. маҳорат моҳияти асосида                             |                     |                     |                 |
| 3. билим ва маҳорат моҳияти асосида                    |                     |                     |                 |
| 4. билим, маҳорат, кўникмани қўллаш олиш маъносида     |                     |                     |                 |
| 5. шахс сифатида                                       |                     |                     |                 |
| 6. шахсий сифатлар моҳияти асосида                     |                     |                     |                 |
| 7. бошқалар, умумман тўғри келмайдиган фикрлар асосида |                     |                     |                 |
| 8. умумман фикр билдира олмаганлар асосида             |                     |                     |                 |

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, биз шуни хулоса қилишимиз мумкин, яъни фақатгина ўқиётган талабаларнинг маълум қисмигина ўзининг касбий компетенция талабларига тўғри баҳо бера олади.

Таълим тизимида касбий компетентликини аниқлаш мақсадида, 2сўровномада, талабалардан мактаб менежменти ўқитувчиларининг компетентлигининг сифатларини белгилаш сўрадик. Сўровнома таҳлил натижалари қуйидагича.

ДТСга биноан мактаб менежменти йўналишидаги касбий компетентлигилиги ўз ичига тўрта асосий компетенция гуруҳларини мужассам этади:

1. умумий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий компетенция,
2. умумий математик ва табиий фанлар компетентлиги,
3. умумкасбий компетенция,
4. қайта тайёргарлик компетентлиги.

Мазкур компетенцияларни шакллантириш тўрта соҳаларни ўрганиш орқали амалга ошиши мумкин: умумий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳалари, умумий математик ва табиий фанлар соҳалари, умумкасбий соҳалари ва қайта тайёргарлик соҳалари. Биз мазкур таснифлаш йўлини, соҳаларнинг умумий мақсадда ўрганиб такомиллаштириш ДТСга мувофиқ тарзда касбий компетентлигини тузилишининг янада замонавийлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Введенский В.Н. Моделирование профессиональной компетентности педагога // Педагогика. – 2003. – №10. – С. 51-55.
2. Государственный образовательный стандарт высшего профессионального образования: Специальность 031200 ПсихМНО.
3. Коджаспирова Г.М. Педагогика: Учебник. – М.: Гардарики, 2004. – 528 с.
4. Кучугурова Н.Д. Формирование профессиональной компетентности будущего специалиста // Проблемы и перспективы педагогического образования в XXI веке. – М., 2000. – С. 360-362.
5. Лукьянова М.И. Психолого – педагогическая компетентность учителя // Педагогика. – 2001. – №10. – С. 56-61.
6. Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация / Пер. с англ. – М., «Когито-Центр», 2002. – 396 с.
7. Равен Дж. Педагогическое тестирование: Проблемы, заблуждения, перспективы / Пер. с англ. Изд. 2-е, испр. – М.: «Когито-Центр», 2001. – 142 с.
8. Сорокина Т.М. Развитие профессиональной компетенции будущих учителей начальной школы: Монография / Т.М. Сорокина; Нижегородский государственный педагогический университет. – Н. Новгород: НГПУ, 2002. – 168 с.

9. Сорокина Т.М. Развитие профессиональной компетенции будущего учителя средствами интегрированного учебного содержания // Начальная школа. – 2004. – №2. – С. 110-114.
10. Толковый словарь русского языка: В 4 т. Т. 1 / Под ред. Д.И. Ушакова. М., 1935.
11. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы // Народное образование. – 2003. – № 2. – С. 58-64
12. Шишов С.Е., Кальней В.А. Мониторинг качества образования в школе. – М.: Российское педагогическое агентство, 1998

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ШАХСИНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ, ИЛМИЙ, БАДИИЙ АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Комилжон Абдуллаев

НамДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, п.ф.н.

Тирикликнинг бонги Навоий, Буюкликнинг ранги Навоий.

Ватан каби поёни йўқдир, Ватан каби мангу Навоий! [4,28]

Буюклик ва мангуликнинг бетакрор тимсоли, юксак истеъдод эгаси, мутафаккир шоир, олим, туркий тилда шоҳ асарлар битган, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир” [1, 47], -дея таърифлаган бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий шахси, адабий мероси маънавий камолотга эришиш ва ўзликни англашда бебаҳо хазина вазифасини ўтаб келмоқда.

Ана шу хазина сирларидан баҳраманд бўлиш,ўзгаларни ҳам баҳраманд этиш биз, улуғ бобомиз авлодларининг, муқаддас бурчимиздир.

Академик Абдулла Аъзамов таъбири билан айтганда, “Алишер Навоий ижодий меросини Осиёнинг маҳобатли тоғларига қиёс қилиш мумкин. Бу “тоғли ўлка”нинг юксак чўққилари – “Хазойин – ул маоний” ва “Хамса” шу қадар фалакка бўй чўзганки, қараганнинг юраги энтикади. Бу ижод тоғларининг “геологияси” ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Уларнинг катта қисми бутунги авлод учун сирли тилсимлигича ётибди, фақат айрим-айрим жойларидан маънавият “Зарафшонлари” оқиб турибди, холос”[2,5].

Ёш авлодни ана шу булоқлардан баҳраманд этиш оиладан, умумий ўрта таълим мактабларидан бошланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари, олий таълим муассасаларида Алишер Навоий адабий меросини ўрганиш учун жуда кўп вақт сарфланади. Кундалик газета, журнал, интернет, телевидение, радио орқали ҳам анчагина маълумотлар эълон қилинади. Қатор – қатор тадқиқотлар олиб бориляпти.